


10 августдан бошлаб Умра зиёратига рухсат берилади



16:30 / 27.07.2021 2715

10 августдан бошлаб хорижлик зиёратчиларга Умра зиёратини амалга оширишга рухсат берилади. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди.

Саудия Арабистони ҳукумати маълум қилишича, зиёратчилар коронавирусга қарши барча зарур чораларни кўрган ҳолда қабул қилинади. Зиёратга ташриф буюришни истаган мусулмонлар қиролликда тасдиқланган Pfizer, Moderna, Johnson & Johnson, AstraZeneca вакциналаридан бири билан тўлиқ эмланган бўлиши лозим.

Вакцина олмаган зиёратчилар келгандан сўнг карантиндан ўтиб, кейин коронавирус учун қайта ПЦР тестини топширишлари лозим.

Шунингдек, зиёратчиларнинг хавфсизлиги ва талабини таъминлаш учун кириш ва чиқишни тартибга солиш, махсус эҳтиёжлари бўлган одамлар учун ўтиш йўллари ажратиш ҳамда Замзам сув идишларини намоз ўқиладиган жойларга, ҳовлиларга ва тавоф жойларига тарқатиш тартиблари ўрнатилган.

Маълумот ўрнида Саудия Арабистони Ҳаж ва Умра масалалари вазирлиги исломнинг муқаддас зиёратгоҳларига 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган, сурункали касалликларга чалинмаган ва коронавирусга қарши тўлиқ эмланган мусулмонларгина ташриф буюриши мумкин бўлишини

билдирганди.